

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Бўстон тумани

04 - май 2022 йил

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган **“Бўстон туман ХТБ”** номидан Низом асосида иш юритувчи **Ю.Азимова** бир томондан, ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган **“LESNAYA RADUGA” МЧЖ** номидан низом асосида иш юритувчи раҳбар **Х.Рўзиматов** иккинчи томондан бўлиб **Бўстон туман 8-мактаб худудидаги биносини жорий таъмирлаш га** доир пудрат шартномасини туздилар.

1. Шартнома мавзуси

1.1. “Пудратчи” мазкур шартнома шартларига мувофиқ **Бўстон туман 8-мактаб худудидаги биносини жорий таъмирлаш** ишларини бажариш мажбуриятини олади.

1.2. “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятларини олади.

1.3. Жорий таъмирлаш ишлари сифатли бўлиши шарт.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2.1 Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар умумий қиймати **200 000 000 (Икки юз миллион) сўмини** ташкил этади

2.2. Ишлар қиймати узиб кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Куйидаги ҳоллар мустасно:

-Таъмирлаш қиймати ва муддатини қунайтиришга енгиб бўлмайдиган (форс – мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

-Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

-Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқча ўзгартирилганда.

2.3. Таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қоғуз ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегинчи асослар мавжуд бўлганда санаб ўтилган ўзгартиришлар “Буюртмачи” ўртасидаги шартномасига қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. Пудратчининг мажбуриятлари.

3.1 Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” шартноманинг 1-чи бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ бажариш ва ўз муддатида бажариш ҳамда, ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

3.2. Таъмирлаш майдонига зарур бўлган материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларни етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4. Буюртмачи мажбуриятлари

4.1. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича барча ишларни “Пудратчи” томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг топширилиши учун тўлиқ мулкий жавоб беради.

Ишлар бажарилишини устида доимий қурилиш назорати ва мазкур шартномада қайд этилган “Пудратчи” томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, “Пудратчи”дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш; Шартномага асосан “Пудратчи”га аванс бериш ва жорий моддийлаштиришни амалга ошириш ва мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

5. Ишларни бажариш муддати

5.1 “Пудратчи” мазкур шартномага мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2 Ишларни бажариш муддати аванс тўловидан эътиборан 15 кунни ташкил этади.

5.3 Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

6. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар

6.1 “Шартнома кучга кириб, тегинчи Ҳазначилик тизимидан руйхатдан ўтиб, бюджет маблағлари ҳисобидан булса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 414-сонли қарори билан белгиланган туловлар кетма кетлигига, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан булса шахсий ҳисоб варақ колдикка асосан 5 банк иш кунида “Буюртмачи” бажарилган иш ёки қурсатилган хизматининг умумий суммасининг 30 фоизини бу **60000000 (Олтмиш миллион) сўмини** ташкил этади, олдиндан аванс тариқасида “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига утказиб беради. Қолган қисми бажарилган ишларни қурсатилган хизматларни ҳисоб фактурага асосан утказиб берилади.

6.2 “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га аванс бериш ва маблағларни тўлаш учун ишларни бажариш ва топшириш далолатномалари асос ҳисобланади. Ишларни қабул қилиш далолатномалари ҳар ойнинг охирида “Буюртмачи” томонидан 72 соат мобайнида кўриб чиқилиб расмийлаштирилиши зарур. Қўшимча қилинган ишлар керакли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг қўшимча келишувга асосан утказиб берилади.

7. Ишларни бажариш

7.1 “Буюртмачи” таъмирлаш майдонда ўз вақилини “Техник назоратчи”ни тайинлайди. У “Пудратчи” томонидан бажарилган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек “Пудратчи” томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб – ускуналар шартнома шартларига мувофиқлигини текширади.

7.2 “Пудратчи” ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V бўлимида қурсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режасига ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.3 "Иудратчи" ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб – ускуналари бўғловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шарҳларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларни сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс – мажор) ҳолатлари.

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар ундан ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2 Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўн вақт чўзилса, у ҳолда "Иудратчи" ва "Буюртмачи" ишларни давом эттириши ёки уларни консервация қилиши учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қилдилар.

8.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

9. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

9.1 Объектларни уларнинг фойдаланишга тайёриги тўғрисида "Иудратчи" ёзма билдирувдан кейин "Буюртмачи" томонидан 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

9.2 Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект "Буюртмачи"нинг мулкига айланади.

10. Шартномани бекор қилиш.

10.1 Шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши "Буюртмачи"га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра "Иудратчи" томонидан бир ойдан кўн вақтга кечиктирилганда:

"Буюртмачи" томонидан молиялаштириш ишлари бажарилмаганда.

10.2 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказган зарарни шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

10.3 Шартнома Ҳазначилик бўлинмаси рўйхатидан ўткандан сўнг кучга киради ва **"31" декабр 2022 йилгача амал қилади**

11. Томонларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги

11.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказган зарарни тўлайди:

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Иктисодий юриш ҳуқуқий субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3-сентябрийдаги "Капитал қурилишда иктисодий муносабатлари механизмини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги 395- сонли қарори (қўловча 2.3) ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

11.2 Мазкур шартномага тегишли шартларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларнинг бўзилганлиги учун "Буюртмачи" "Иудратчи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди. Бу пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматларнинг 50% ошмаслиги лозим.

11.3 "Иудратчи" объектни ўз вақтида ишла тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузиш учун "Буюртмачи"га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50%дан ошмаслиги лозим.

12. Низоларни ҳал этиш тартиби.

12. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан қўриб чиқилади.

13. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари

ИУДРАТЧИ

« **LESNAYA RADUGA МЧЖ** »


Манзили: Бўстон тумани

х/р: 20208000205431258001

Банк номи: "Ҳамкорбанк" Шаҳрихон филиали

СТИР: 308805906 МФО: 00039

Ташкилот раҳбари  Х.Рўзиматов



БУЮРТМАЧИ

Бўстон тумани Ҳалқ таълим бўлими

Манзили: Бўстон тумани Гузар МФЙ

Ш хв: 100022860032097092100075057

СТИР: 200 264 426 МФО: 00014

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Молия

Вазирлиги Ҳазначилиги ягона Ҳазначилик

х/р 23402000300100001010

Тошкент шаҳар Марказий банк ХККМ, МФО

00014, СТИР 201122919

Ташкилот раҳбари  Ю.Азимова



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ PT65320621

1. Loyihaning turi

Shartnoma

2. Loyihaning nomi

Pudrat shartnomasi

3. Loyihaning mazmuni

“Pudratchi” mazkur shartnoma shartlariga muvofiq Bo'ston tuman 8-maktab xududidagi binosini joriy tamirlash ishlarini bajarish majburiyatini oladi. “Buyurtmachi” esa “Pudratchi”ga qurilish ishlarini bajarish uchun zarur sharoitlar yaratish va to'lovlarni amalga oshirish majburiyatlarini oladi. Joriy ta'mirlash ishlari sifatli bo'lishi shart. Mazkur shartnoma bo'yicha “Pudratchi” tomonidan bajariladigan ishlar umumiy qiymati 200 000 000 (Ikki yuz million) so'mni tashkil etadi.

Bo'ston tuman xalq ta'limi bo'limi

2022 yil «2» mart

Loyiha amaldagi normativ huquqiy hujjatlarga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil «4» mart

**Bo'ston tumani Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuristkonsulti:**

Sh.O'rmonov

